


Чўлпонни эслаб



09:56 / 05.10.2019 2615

Андижонлик Сулаймон Баззоз ўғли Абдулҳамид қорининг мусҳафи. Амакиси Абдурраҳмон ҳожи ҳаждан олиб келган экан. У ҳозирда Андижон музейида сақланмоқда. Кичкинтой Абдулҳамид бу китобни яхши кўриб, ҳамиша ёнида олиб юрар экан. У ўзи хушовоз қорилардан бўлиб, жуда ҳам чиройли тиловат қилар эди. У кейинчалик ўзига Чўлпон деб таҳаллус қўйиб, шеърлар битган ва бошқа асарлар яратган. У ўзбекнинг ҳақиқий халқпарвар, ватанпарвар ва эркпарвар ўғлонларидан эди. Унинг маънавий олами, ватанпарварлиги ортида унга илк тарбия берган маънавий-илмий манбалар асосий омил бўлганида шубҳа йўқ. Зотан, унинг шахсияти айнан ўша муҳитда шаклланган. У кейинчалик, ўзи эътироф этганидек, бир нав давр муҳитига бўйсунмишга мажбур этилган бўлса-да, гўдаклигида қалбига сингдирилган руҳият ҳаётининг сўнгигача унга қувват ва йўлчи бўлди. У 1937 йил 4-октябрда сафдошлари Абдуррауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва

бошқалар қатори комунистлар тарафидан олиб борилган қатағон қурбони бўлди, Тошкентдаги “Алвасти кўприк” олдида отиб ташланди. У айнан шу санада ўлдирилган бўлса-да, аслида унинг истеъдоди бундан олдинроқ комунистик мафкуранинг қурбонига айланган эди, дейилса, хато бўлмаса керак. Зотан, истибдод истеъдод соҳибларидан олдин ва кўпроқ истеъдодларни қатағон қилади.

Аллоҳ таоло ўтган улуғ аждодларимизни Ўз раҳматига олсин, Ватан учун қилган фидоийликларини қабул айласин.

Амалнинг ўлими

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?

Шарқнинг оналари, жувонларими?

Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар?

Қуллар ўлкасининг инсонларими?

На учун уларнинг товушларида

Ўтган асрларнинг оҳанги йиғлар?

На учун ёзмишнинг ўйнашларида

Ҳар юриш кўнглимни наштардек тиғлар?

Кенглик ҳаёллари учдими кўкка

Бутун умидларни ёвларми кўмди?

Мангу тутқунликка кирдими ўлка?

Ҳаёлда порлаган шамларми сўнди?

Кечанинг жон олғич қоронғулиги,

Нажот юлдузини ҳаёлми билди?

Шунча тутқунларнинг ҳаққи, ҳақлиги

Бир ҳовуч тупроққа қурбонми бўлди?

Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар,

Шарқнинг кўкрагида бир топмасми?

Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар,

Ухлаган дилларга кулиб боқмасму?

Кўнгил

Кўнгил, сен мунчалар нега

Кишанлар бирла дўстлашдинг?

На фарёдинг, на додинг бор,

Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилни оғритмас,

Тубанлик мангу кетмасми?

Кишанлар парчаланмасми,

Қиличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,

Сен-да одам, сен-да инсонсан;

Кишан кийма, бўйин эгма,

Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!..

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид